Shu aziz VATAN — barchamizniki!

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 13-yanvar. Payshanba • 6 (31.282) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, шунингдек ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:***

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Якубов Джахангир Тулкинович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедра бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»**

**Слизкий Борис Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-клиник госпиталининг травматология бўлинмаси бошлиғи — бош травматологи

***Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчликни, барқарорликни ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Саломов Фазлитдин Ибодуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдурахимов Хошимжон Абдухалимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

**Кадиров Фаррухжон Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантларни тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Курбонов Акобир Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлиғи ўринбосари

**Турдикулов Умиджан Абдуссатар ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантларни тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи — ўқитувчи

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдувахобов Абдукодир Абдумажидович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири ўринбосари

**Джалалов Мансур Маъруфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Толипов Дильшод Абдужабборович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хужамов Хамид Мухитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Шарипов Хуршид Рафикович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

*(Давоми 2-бетда.)*

*Бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**



# Муқаддас бурч

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб байрам тадбири ташкил қилди. Ўзбекистон тарихи давлат музейида уюштирилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ва Қуролли Кучлар, Ички ишлар вазирлиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирок этишди.

— Ҳамма соҳада эришаётган улкан ютуқларимиз, аввало, Ватанимиз посбонлари тинчлигимизни сақлаётгани туфайли, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Осуда ҳаёт шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янада юксалиб бораяпти. Ҳар биримиз бунинг қадрига етишимиз, зиммамиздаги вазифани сидқидилдан бажаришимиз зарур.

— Ватанни кўз қорачиғидек асраш, унга садоқат билан хизмат қилиш фарзандлик бурчимиз, — дейди подполковник Рустам Тўрақулов. — Юрт меҳри, мамлакат раҳбарининг ғамхўрлиги бурчимизни астойдил бажаришга, янада шижоатли бўлишга ундайди.

Тадбир иштирокчилари халқимизнинг давлатчилик тарихи, анъана ва қадриятларига оид музей экспонатлари билан танишди.

— Тарихда сўнмас из қолдирган боболаримиз ҳаёти биз учун ибрат, — дейди Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби курсанти Отабек Умрзоқов. — Тарихимизни чуқур ўрганиш жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдим. Айниқса, аждодларимизнинг ҳарбий жанг санъатига оид экспонатлар менда катта таассурот қолдирди.

Тадбир якунида Ватан ҳимоячиларига эсдалик совғалари топширилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Эътироф

*«Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби ахлоқий, маънавий ва диний низомлар мажмуаси, мамлакат раҳбари томонидан ёш авлодга улкан меҳр ва ҳурмат билан баён этилган ўзбек халқининг асосий ахлоқ қоидалари ва қадриятларидир, десам янглишмаган бўламан. Ўзбекистон Президентининг асарида аҳолининг айнан ана шу қатламига мурожаат қилинган. Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом турмуш кўникмасини, умуммиллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш зарурлиги ҳақидаги, уларни ватанпарвар, маънавий-ахлоқий анъаналар руҳида тарбиялаш хусусидаги мулоҳазалари таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатда демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини пайқамаслик ва уларга муносиб баҳо бермаслик мумкин эмас. Ўзбекистон тараққиётида ҳатто глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам нафақат ўсиш суръати сақланиб қолди, балки иқтисодий кўрсаткичлари янада ошганлиги аҳамиятлидир. Тарихий жиҳатдан қисқа давр ичида мамлакат барча йўналишларда мислсиз ривожланишга эришди».*

**Ойша ЮСУФ ал-МАНАИ ХОНИМ,**
***Қатар университети профессори.***

## Хушхабарлар

### Германияда биз ҳақимизда

Ўзбекистон ҳақидаги биринчи хорижий журнал инглиз ва немис тилларида Германияда чоп этила бошлади.

Фрейбург(Баден-Вюртемберг федерал округи, Германия)даги Германия — Ўзбекистон илмий ҳамкорлик жамияти томонидан нашр этилаётган фан ва таълим янгиликларини ёритиб борувчи журнал ҳозирданоқ ўқувчиларини топиб улгурди.

Германия, Швейцария, Австрия ва Япониянинг бир қатор таниқли олимлари журналнинг илмий кенгаши сафидан жой олган. Айни пайтда нашрнинг «Тиббиёт», «Фалсафа», «Иқтисодиёт», «Ўзбекистонда фан ва таълим» каби бўлимлари бўлиб, уларда икки мамлакат олимларининг турли илмий йўналишдаги янгиликлари, тақризлари ва таҳлилий мақолалари ёритиб борилади.

### Боғлар янги кўринишда

Ҳукумат 2016 йилгача мамлакатимиздаги барча истироҳат боғларининг ҳолатини яхшилаш борасида дастур қабул қилди.

Дастурга биноан юртимизда мавжуд 225 истироҳат боғидан 77 таси тубдан қайта қурилади, 105 таси капитал реконструкция, 29 таси капитал таъмир ва 14 таси жорий таъмирдан чиқарилади. Бир сўз билан айтганда, яқин беш йил ичида истироҳат боғлари аҳолининг тўлақонли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар билан таъминланган бўлади.

## ЎзХДП ҳаёти

**Наманган вилоят партия кенгаши** «Электорат билан ишлашнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш», «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг ижросини таъминлаш бўйича фаоллигини кучайтириш» мавзусига бағишланган семинар ўтказди.

Унда вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Сўз олганлар маҳаллий ривожланиш дастурлари, бандлик дастурининг тўла-тўкис бажарилиши, бунда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг талабчанлигини ошириш масаласига эътибор қаратишди. Семинарда партия фаоллари зиммасида катта масъулият борлигига алоҳида урғу берилди.

Партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳияти ҳамда сиёсий партиялар зиммасидаги вазифалар ҳақида тўхталди. Белгиланган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этиш учун сиёсий партиялар кучли депутатлик гуруҳларига эга бўлиши, шу орқали электорат манфаатини ҳимоя қилишда қатъийлик кўрсатиши талаб қилинади, — деди у. — Шундай экан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг тўла-тўкис бажарилишида депутатлик гуруҳлари ишини янада такомиллаштириш зарур.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

• • • • •

**«Истиқбол» ёшлар қаноти Навоий вилоят бўлими** ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муносиб иштирок этмоқда.

Қанот етакчилари ташаббуси билан ташкил этилган ҳуқуқий маслаҳатхона ёшларнинг билим ва фаоллигини кучайтиришга хизмат қилаяпти.

— Ҳуқуқий маслаҳатхона фаолиятини янада такомиллаштиришга интилаяпмиз, — дейди ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Феруза Дониёрова. — Яқинда Навбаҳор туманида бўлиб ўтган шу масалага доир йиғилишда Сенат аъзоси Назира Тоғаева иштирок этиб, ёшларга қимматли маслаҳатлар берди.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилаяпти. Уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароит яратилган. Тижорат банкларидан тегишли кредитлар ажратиш белгилаб қўйилган. Тадбирларда шу ҳақда атрофлича маълумот берилмоқда.

**Феруза ҚОДИРОВА**

*(Давоми 2-бетда.)*

## Ватан ҳимояси — олий шараф!

### Она-юртга посбон бўлиш бахти

Озод яшашдан ортиқ бахт борми! Ўз кучимиз ва қудратимизга таяниб, ўзимиз истаган жамиятни қуриш, ҳеч кимга қарам бўлмай яшаш буюк саодатдир. Аммо мустақиллигини, ўзи танлаган тараққиёт йўлини ҳимоя қила олмаган миллат эркин яшай олмайди. Шу маънода, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этиш учун қудратли Қуролли Кучларга эга бўлиш зарур. Буни ҳаётнинг ўзи олдимизга кўндаланг қўйган.

Кўзимиз очиқ бўлгани билан ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга доим ҳам теран назар ташлайвермаймиз. Ёки кўриб, кўрмаганга оламиз. Юртдаги тинчлик ва осойишталик ўз-ўзидан бўлаётгандек туюлади. Масалага юзаки қараш бу. Талотўп дунё бугун бизга шу ҳақиқатни уқдирмоқда — қалби, онгу шуури уйғоқ одамда миллатини, юртини ҳимоя қилиш истаги, курашчанлик ҳисси юксак бўлади.

⇨ 3

## Сиёсат

### ЎзХДП: долзарб вазифалар

⇨ 2

### «Тинчликка хизмат қиламиз»

⇨ 3

## Футбол

### Иккинчи ғалаба. Ўзбекистон — Қувайт — 2:1

⇨ 4

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 11 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1636,79 | 1 Миср фунти | 283,48 | 1 СДР | 2506,80 | 10 Жанубий Корея вони | 14,67 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2554,39 | 1 Канада доллари | 1654,45 | 1 Туркия лираси | 1045,71 | 10 Япония иенаси | 197,91 |
| 1 БАА дирҳами | 447,58 | 1 Хитой юани | 247,88 | 1 Швейцария франки | 1704,19 | 1 Россия рубли | 54,16 |
| 1 АҚШ доллари | 1643,86 | 1 Малайзия ринггити | 535,81 | 1 Евро | 2172,21 | 1 Украина гривнаси | 206,54 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**«ДЎСТЛИК»**
**ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бегимкулов Ильхом Баирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Ибрагимов Баходир Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Хакимова Наталья Георгиевна** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси доценти

**Эргашев Зайлиддин Абдулхакович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

**«ЖАСОРАТ»**
**МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев Зафар Ахметжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдуназаров Акбар Аброрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод мутахассиси

**Авазов Гайрат Норбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Азимов Холмахамад Абдиразокович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Аметов Абат Мнажатдинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Арслонов Бахром Баходир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод мутахассиси

**Ашуров Дилмурод Холмаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Байзаков Камолиддин Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бобоназаров Розик Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Девликамов Ваис Рамиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дустов Наймжон Хурсанмурадович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Ем Дмитрий Владимирович** — Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси «Айритом» божхона комплекси бошлиғи

**Ибрагимов Аслиддин Эркинович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисм катта инструктори

**Ибрагимов Сапарбай Юнисбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Исмоилов Искандар Исломович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Йўлдошев Элёр Гулмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси кавалерия секцияси ўқчиси

**Корабоев Абдувохоб Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Курбанов Илхомжон Иргашалиевич** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Мадреймов Хамза Ибайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маликов Бабир Турсунович** — Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси уста ғаввос — қутқарувчиси

**Мамадалиев Нодирбек Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзаев Абдурашид Мирагламович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мусулманов Инаятилла Неъматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

**Мухамадиев Ибодулла Ахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Норов Сохибжон Зикриллаевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Нурмаматов Хуршиджон Олимджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Нурманов Нарзулла Ортикович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири ёрдамчиси

**Пирназаров Бахром Чоршанбиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Завқиддин Эсанович** — Навоий вилояти Кармана тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган қисми бўлинма командири

**Сайдалиев Гайратжон Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сайканов Суннатилла Исматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Сапаров Акрам Умирзакович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Турдибаев Равшан Махкамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секция командири

**Умаров Кахрамон Анарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уразов Мусан Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хабибуллаев Толипжон Бойдадаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хакназаров Отабек Бахтиёр ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хамраев Исмоил Маматкулович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Холмуратов Улугбек Турсунмуратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамов Назиржон Муродуллаевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ мутахассиси

**Эминов Авазбек Абдумажитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси отряд бошлиғи

**Юлдашев Рузибой Ирисваевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секция командири

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»**
**МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев Азиз Ражабович** — Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган отряди бўлинма командири

**Абидов Улугбек Хожимурат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Айназаров Турамурод Мамараимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Алимов Муратджон Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Артиков Жалалдин Абдумуталибович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Артиков Шавкат Ядгарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Болтаев Олимжон Киличович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

**Борисовский Олег Владимирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**Дементьев Евгений Петрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дехканов Улжабой Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Енгаличев Марат Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмат бошлиғи

**Идрисов Улугбек Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони катта техниги

**Исмоилов Ахрорджон Азамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлиғи

**Кдирбаев Жеткербай Каипбергенович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Кузибаева Умидахон Ахмаджоновна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кучкаров Хусан Махкамбаевич** — Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғи

**Кучмурадов Анвар Хатамович** — МХСК командаси бошлиғи ўринбосари

**Маматкулов Илҳомжон Адҳамжонович** — Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси

**Махмудов Азамат Рахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Машарипов Дилмурод Эгамберганович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Мелиев Олимджон Абдуллаевич** — Бухоро ҳарбий суди раиси

**Норов Сарвар Хамзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми дивизион командири

**Перевозников Виктор Петрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Пирниязов Арман Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод инструктори

**Раимов Муминжон Исматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сагитов Азат** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона статистикаси ва таҳлил маркази бошлиғи

**Суннатов Ибодулла Мамирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Тожибоев Ахад Мукимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Тошматов Умарали Набиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири ёрдамчиси

**Турапов Олимжон Юсупжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Умматов Хамза Базарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Хужамкулов Икромжон Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Хуррамов Тура Нафасович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта механик-ҳайдовчиси

**Хушваков Кахрамон Мойлиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми қоровул бошлиғи

**Эгамбердиев Жамшид Хикматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашов Обиджон Суюнович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

**«ШУҲРАТ»**
**МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев Рустам Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Алиева Мухтарамхон Худайбердиевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳи секция командири

**Гафуров Нодиржон Нарзуллаевич** — Андижон ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси

**Гаюпов Гуломжон Аликулович** — Сирдарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси

**Дарвешов Ахмеджон Ризоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Джаббаров Маъруфхон Сайдумархонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси контрабандага қарши курашиш Бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Жуманиязов Жуманазар Уринбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Журабоев Уткирбек Хатамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод оператори

**Кадиров Абдурасул Валиевич** — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент техника мактаби катта инструктори

**Мадалимова Севара Юлдашбаевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Миртожиев Абдуллажон Равшанбекович** — Тошкент ҳарбий-академик лицейи взвод командири

**Пардаева Наргиза Салиходжаевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми назоратчиси

**Стряпчева Валентина Васильевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлинма мудири

**Тешабоев Мурод Ойхужаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

**Тураев Обиджон Сайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми катта офицери

**Турсунов Ровшан Хамидуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шакиров Шухрат Атхамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Ширинов Умиджон Турсунбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Шокиров Азим Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири ўринбосари

**Юлдашев Дильшодбек Хуснидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ командири

**Юлдашев Мазохид Абдурахимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Фаррух Маткаримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ инструктори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 11 январь*

## ЎзХДП ҳаёти

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Навоий вилоят партия кенгаши**да депутатлик гуруҳларининг партия кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар партия ташкилотлари ва маҳаллий депутатлар эътибор қаратиши зарур бўлган масалалар ҳақида фикр юритишди.

Таъкидландики, вилоятда қоракўлчилик ривожланган бўлса-да, Учқудуқ, Томди, Конимех ва Нурота туманларида ҳалигача жун ва терини қайта ишлайдиган барқарор корхона йўқ. Шу боис, ана шу хомашё асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиган маҳаллий ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш масаласи кун тартибида турмоғи лозим. Жумладан, маҳаллий депутатлар бу масалани сессияларда муҳокама этиши зарур.

Шунингдек, йиғилишда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳамид Жумаевнинг 2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси бўйича қилинган ишлар ҳақида ахбороти тингланди.

Маълумотларга кўра, Навбаҳор, Нурота, Конимех ва Кармана туманларида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга етарли эътибор берилмаган. Бунда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатларнинг ҳам айби бор. Шу сабабли депутатлар мазкур дастур ижросини ойма-ой таҳлил этиб боришлари, белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилишини назорат қилишлари зарурлиги таъкидланди.

**Музаффар ШАРОПОВ**

• • • • •

**Самарқанд вилоят партия кенгаши**да партиядаги сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилган минтақавий конференция электорат билан ишлашда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш масаласига бағишланди. Унда Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоят партия кенгашлари раҳбарлари, фаоллари ва бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирок этди.

— Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳияти, унда билдирилган ғоялар ва қатор қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш, мулоҳаза қиладиган бўлсак, сиёсий партияларнинг электорат манфаатини ифода этиш механизми кучайтирилишини тақозо қилади, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Шундай экан, замон билан ҳамнафас бўлиб, янги давр, янги жамиятга хос ҳаракат қилмоғимиз зарур.

— Вазифамизга бўлган талабчанликни кучайтириш вақти келди, — деди Каттақўрғон туман партия кенгаши раиси Аҳтам Худойбердиев. — Туманимизда партиямизнинг 1189 нафар аъзоси бор. Улар 69 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Афсуски, улар орасида номига ишлаётганлари оз эмас. Бу сусткашликни бартараф этиш, қуйи ташкилот ишини замон талаблари даражасида кучайтириш учун етакчиликка муносиб ёшларни жалб қилиш керак.

Шунингдек, анжуман давомида долзарб мавзулар бўйича интерактив машғулотлар ўтказилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

• • • • •

**Қашқадарё вилоят партия кенгаши**да сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги амалий семинар ташкил қилинди. Унда «Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга оширишда партия ташкилотлари, маҳаллий депутатлар ва фаоллар зиммасидаги муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромова Концепцияда таъкидланган қонунларни қабул қилиш ҳаётий зарурат эканини таъкидлади.

— Электорат манфаати билан боғлиқ қонунларнинг лойиҳаларини ҳар жиҳатдан пухта тайёрлаш ғоят муҳим, — деди депутат. — Шу боис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан доимий ҳамкорлик тўғрисида аниқ режалар ишлаб чиқиш керак.

**Музаффар ТУРОПОВ**

• • • • •

**Бухоро вилоят партия кенгаши** фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят, туман, шаҳар партия кенгашлари раислари, ўринбосарлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этди.

— Аксарият ҳолларда партиянинг қуйи ташкилотлари ҳаётимизда рўй берган муҳим ўзгаришларни жамоатчиликка етказишда сусткашликка йўл қўймоқда, — деди партиямиз фаоли Шуҳрат Исматов. — Менимча, бу жараёнда, айниқса, маҳаллий Кенгашлар депутатлари четда турмаслиги, ҳамкорликда маҳалла, корхона ва ташкилотларда Концепция мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш бўйича амалий тадбирлар ташкил этиши керак.

Йиғилишда Концепцияда илгари сурилган ғоялар моҳиятини атрофлича ўрганиш ва жамоатчиликка етказиш бўйича вазифалар белгиланди.

**Обид ШАБАНОВ**

• • • • •

**Кегейли туман партия кенгаши**нинг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ва партия фаоллари қатнашди.

Маҳаллий депутатлар ва фаоллар Президентимиз илгари сурган Концепцияни амалга оширишда партия ташкилотлари зиммасидаги бирламчи вазифаларни бажариш учун астойдил ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлашди. Концепциядаги эзгу ғоя ва мақсадларни кенг тушунтиришга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Султанмурат Хожанов ЎзХДП Кегайли туман кенгаши раиси этиб сайланди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

## Хорижда

## «Европа Иттифоқидан чиқиш керак»

***Словак халқ партияси ҳукуматни Европа Иттифоқидан расман чиқишга чақирди.***

Партия етакчиси Яна Слотанинг фикрича, қитъада авж олдирилаётган евро ва АҚШ доллари ўртасидаги молиявий ўйинлар, биринчи навбатда, Словакия сингари иқтисоди ўртача аҳволда бўлган мамлакатларни ҳалок этади. «Буни Греция мисолида ҳам кўриш мумкин», — деди у.



Унинг сўзларига қараганда, иттифоқдаги сиёсий муҳит ҳам жойида эмас. «Тобора супердавлатларнинг авторитар тузуми воситасига айланиб бораётган ЕИ ҳукумати аъзо мамлакатларга фақат буйруқ берувчи ва назорат қилувчи органга айланиб бормоқда. Словак халқ партияси мамлакатни иттифоққа киришини қўллаб-қувватлаган, лекин супердавлат таркибига эмас», — деди Яна Слота. Словакия раҳбарияти тез орада мамлакатнинг энг обрўли партияларидан бирининг талабини кўриб чиқишга ваъда берди.

## Олти томонлама музокаралар янгиланади



***Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао АҚШга расмий ташрифи чоғида Корея ярим ороли билан боғлиқ олти томонлама музокараларни янгилаш лозимлигига урғу беради.***

Бу ҳақда Хитой ташқи ишлар вазири ўринбосари Цуй Тянькай маълум қилди. «Яриморолда тобора чуқурлашиб бораётган сиёсий вазиятга бефарқ қараб бўлмайди. Биз 2005 йилда тўхтаб қолган олти томонлама музокараларни янгилашни таклиф қиламиз», — деди у.

18-21 январь кунлари амалга оширилиши режалаштирилган расмий ташриф доирасида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

## Энг кучли сув тошқини

***Австралия ўз тарихидаги энг кучли сув тошқинини бошидан кечирмоқда, дейишмоқда халқаро табиатшунос мутахассислар.***

Мамлакат шимоли-шарқини тўла қоплаб олган сув тошқинининг сатҳи айни пайтда соатига 1,5 метр баландликка етди. Жабрланганлар сони 200 минг нафардан ортди, қурбонлар сони 10 нафарни ташкил этади. Яна юзга яқин одам бедарак йўқолган.

Ҳудди шундай вазият ҳозир Бразилияда ҳам кузатилмоқда. Тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида Сан-Паулу шаҳри сув тошқини остида қолди. Қурбонлар сони 60 нафардан ортди. 15 мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли ўз бошпаналарини ташлаб кетишга мажбур бўлган.






## Қушлар ялпи қирилмоқда

***Руминия олимлари мамлакатда содир бўлаётган қушларнинг ялпи қирилишига корхоналарда вино учун сақланган узумларни дориланиб, ортиқчасини очиқ далага чиқариб ташланишини сабаб қилиб кўрсатишмоқда.***

Уларнинг фикрича, бижғиган узум тезроқ йиғиштириб олинмаса, қушларнинг заҳарланиши яна бир неча ҳафта давом этиши мумкин.

Янги йилнинг биринчи ҳафтасидаёқ миллионлаб қушларнинг ўлими ҳоллари АҚШ, Швеция, Италия, Туркия ва Канадада кузатилди. Дастлаб олимлар қуш гриппининг янги тури тарқалганини башорат қилган эдилар. Эндиликда қушларнинг заҳарланишдан ҳалок бўлаётгани айтилмоқда.

# Она-юртга посбон бўлиш бахти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиқлол йилларида бу борада, яъни инсон қалби ва маънавиятига кириб бориш йўлида кўплаб муҳим ишлар қилинди. Баралла айта оламизки, миллий уйғониш маънавий-руҳий бойликларимизни англашга, демакки, Ватан, аждодлар олдидаги бурч, масъулият туйғуларини теран ҳис қилишга ундамоқда. Шу озод ва обод Ватан учун дахлдорлик туйғуси, ёниб яшаш ҳисси халқимиз қалбидан чуқур ўрин олиб, катта кучга айланмоқда. Буни мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларда, хусусан, замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва шакллантириш борасида қилинаётган улкан ишларда яққол кўрамиз.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурига мувофиқ, ҳарбий тузилмаларни ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Қолаверса, асосий жанговар бўлинмаларнинг принципиал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тизимларнинг бирбирини такрорлайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу эса ўз навбатида соҳа тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланганi, ҳарбий хизматга чақирувнинг йилига бир марта ташкил этилгани, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув захирадаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди. Келинг, шу ўринда фикримизни мисоллар воситасида давом эттирайлик.

Қўшним захирадаги офицер. Ўғли Акром Абдуллаев ўтган йилнинг баҳорида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Маҳалла унча катта бўлмагани учун барча бирбирини яхши танийди. Шу боис қўшнимнинг ўғли кўз олдимда улғайди, десам, муболаға бўлмайди. Бироз эринчоқлиги бор эди. Масъулият ҳисси ҳам унчалик кучли эмасди. Қайси касбни танлаши, келажакда ким бўлиши ҳақида сўрасанг, мужмал жавоб қайтарарди. «Армияга борса, чиниқади, ҳаёт мактабида тобланади», дерди отаси. Мана, ҳаёт мактаби сабоқларини олиб қайтди. Йигит билан суҳбатлашиб туриб, унда кўп ўзгаришлар бўлганини сездим. Ғурур, орият тушунчаларини яхши ҳис қилади. Ватанимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларга бефарқ эмас. Қандайдир ички бир куч уни Ўзбекистон тараққиёти, буюк келажаги йўлида ёниб яшашга, жавлон уришга ундаётгандек. Аскар бўлиб Ватан юкини елкасига олди. Шунинг ўзи маънавий бир жасорат. Яхши хизмат қилиб, ота-онасига, маҳалласига раҳмат олиб келди. Шунинг ўзи ибрат. Улкан қаҳрамонликлар аслида шундай ҳаракатлардан бошланади.

Аскарлик уни ҳақиқатан ҳам тоблади. Энг муҳими, билими, кучи, салоҳиятини, аввало, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида сарфлаши кераклигини англади. Бу йўлдаги эзгу ишларни бурч сифатида қабул қилди. Ҳа, ўзини киндик қони тўкилган замини, улғайтирган, камолга етказган Ватани олдида бурчли деб билиши уни улғайтирди. Энди у кечаги Акром эмас. Энди унда қатъий мақсад бор, орзу-истак бор. Энди у масъулият деган тушунчани юракдан англайди. Уни қалбан улғайтирган, иродасини мустаҳкамлаган, юрагида сўнмас бир ёлқин уйғотган аслида Ватани бўлади. Мана, бугун муддатли ҳарбий хизмат бизга нима бераяпти.

Жаҳонгир Худойқулов сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ойлик йиғинини ўтаб қайтганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган бу йигит банкда фаолият юритади. Янги хизмат тури унинг орзусини рўёбга чиқарди. Жаҳонгир касбини севади. Соҳаси бўйича аниқ марраларни кўзлаган. Аммо конституциявий бурчини ҳам ўташи керак. Ўзини қийнаётган бу саволга янги хизмат туридан жавоб топди. Ойлик йиғинни ўтади, ҳарбий қасамёд қабул қилди. Бугун севимли ишини давом эттирмоқда. Йиғиннинг муддати оз бўлса-да, сабоқлари кўп. У Ватани учун кераклi эканини, юрт тараққиёти учун нималар қилиши лозимлигини англаб етди.

Оддий аскар Аваз Саидхонов муддатли ҳарбий хизматгача академик лицейда таҳсил олди. Мана, энди юрт тинчлигини асрашга бел боғлади. Ҳаёт мактабида тобланишга қарор қилди. Бугун унинг аскарлик даври ютуқларга бой ўтмоқда. Мустақилликнинг 19 йиллиги муносабати билан жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликларда сафдошларига ибрат кўрсатгани учун Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан ота-онасига ташаккурнома йўлланди.

Ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган ўғлоннинг ўз ишига садоқати учун мукофот эди бу.

Келтирилган мисоллардаги ёшларимизни шу муқаддас Ватанга муҳаббат, бетакрор Ўзбекистонга дахлдорлик туйғуси бирлаштириб тургани кишини қувонтиради. Қалбида Ватан ҳимоячиси бўлишдек орзу шаклланган бундай ёшларга ҳавасингиз келади.

2004 йилнинг февралида Президентимизнинг Фармойишига кўра Қуролли Кучлар бўйича «Энг илғор мутахассис» танлови ташкил этилди. Қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини сифатли ўзлаштиришини таъминлаш, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, Ватанга, танланган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналарни шакллантириш каби олижаноб вазифалар бор эди, бу танловдан кўзланган мақсад замирида. Қолаверса, кичик ва ўрта командирлик бўғинлари лавозимидаги ҳарбийларимиз касбий ўсишларини рағбатлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти, етакчилик сифатларини шакллантириш, қўшинларда юксак маънавий-жанговар руҳ, соғлом рақобат муҳитини яратиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилаяпти.

Яқинда танловнинг республика босқичи якунига етиб, 2010 йил бўйича ғолиблар аниқланди. Кичик сержант Улуғбек Жўраев, Азамат Ибрагимов, Тўхтасин Мадраҳимов каби ёшлар юксак касбий маҳоратга эга эканликларини кўрсатиб, «Энг илғор сержант» номинациясида ғолиб чиқишди. Ёки бўлмаса, катта лейтенант Авазбек Рисбеков, Анвар Шеров, Шукрулло Азимов «Энг илғор гуруҳ командири» бўлишди. Менимча, энг катта ютуқ бу эмас. Танловга тайёргарлик кўриб, унинг синовларида тобланиб, ҳарбий хизматчи ўзида бугуннинг посбонига хос хусусиятларни, ҳарбийликдек шарафли касбдан фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Онгида, дунёқарашида ўзгаришлар юз берди. Эртанги кунга умид ва ишончи мустаҳкамланади. Ютуқ мана шунда.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича давлат дастурлари ижросини кўриб, мамлакатимизда ижтимоий тамойилга, хусусан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кишилар турмуш даражасини оширишга қаратилган инсонпарварлик сиёсатидан миннатдор бўласиз.

Офицер Элмурод Отажонов 2011 йилни янги уйда қарши олди.

— Давлатимиз раҳбарининг бундай эътибор ва ғамхўрлиги миллий армиямизнинг жанговар қудрати ва маҳоратини юксалтиришга хизмат қилади, — дейди у.

Миллий армиямизни ислоҳ қилиш йўлидаги ўзгаришлар хусусида узоқ тўхталиш мумкин. Бугун бу ислоҳотлар нима берди, деган саволга баралла «Қуролли Кучларимизни она-Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айлантирди», дея оламиз.

**Алижон САФАРОВ,**
**подполковник.**

# Сержант бўлур аскарларнинг сараси

Ҳарбий соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ихчам, тезкор ва юқори жанговар салоҳиятга эга миллий армия шакллантирилди. Бу борада кичик командирлар тайёрлайдиган мактабларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги арафасида Шарқий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида бўлдик.



Бу даргоҳ ҳарбий техника ҳамда замонавий ўқув қурол-аслаҳалари билан етарли таъминланган, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласи учун зарур шароитлар яратилган, шахсий таркибнинг жисмоний, маънавий-маърифий, жанговар тайёргарлигини мукаммал ташкил этилишига кенг имкониятлар муҳайё этилган.

**Мактаб бошлиғи, подполковник Шавкат Мамажонов** билан суҳбатимиз самимий кечди.

— Бу ерда, — дейди у, — мамлакатимиз Қуролли Кучларининг турли қўшинлари учун гуруҳ командирлари ўринбосарлари, секция командирлари ва бошқа мутахассисликлар бўйича кўплаб профессионал кичик командирлар тайёрланади. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари таркибида мактабимизнинг ўрни фахрланса арзийдиган даражада.

Мактаб бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Ҳусниддин Ходиев ҳамроҳлигида ўқув биносига йўл оламиз. Юрса ерни титратадиган посбонларнинг ҳушёрлиги ва тетик руҳияти уларнинг қарашларидан яққол кўриниб турибди.

Республика Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов 2003 йил мазкур ҳарбий ўқув даргоҳида бўлиб, мутахассис ва курсантлар билан мулоқоти чоғида «Сержантлар армиянинг таянчи, қўл остидагиларни ўқитиш ва тарбиялашда ташкилотчидир», деб таъкидлаганди.

Президентимизнинг бу сўзлари ҳозир мактабнинг ҳар бир курсанти учун ҳаёт шиорига айланган.

Мерганлик машқини бажараётган йигитлар сафи оралаб, ўқув хонасига кирамиз. «Энг илғор сержант» республика кўрик-танловининг икки карра ғолиби Акмал Туйғунов замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланиш бўйича ўқув машғулоти олиб бормоқда.

Ушбу хонага ёндош кутубхонада 7,5 минг нусха бадиий адабиётлар сақланмоқда. Шунингдек, бу масканда 54 турдаги газета-журналлар тахлами ҳам мавжуд.

— Ватан ҳимоячилари куни олдидан «Энг яхши китобхон» танловини ўтказдик, — дейди кутубхона мудири Муҳайё Азизбоева. — Жамолиддин Шамсиев, Марат Норов, Асқарали Тўрабоев, Хуршид Усмонов байрам арафасида ана шундай номга лойиқ топилдилар. Акбарали Нодиров «Бадиий ўқиш устаси» сифатида рағбатлантирилди.

— Мактабда фаолият юритаётган ҳарбий хизматчилар оиласи учун икки қаватли 2 та уй-жой қуриб берилган, — дейди майор Ўткир Акбаров.

Тоғ тайёргарлиги цикли бошлиғи майор Умиджон Турдиқулов Фарғонанинг Олтиариғидан экан. Тумандаги 36-умумтаълим мактабида ўқиган. Тўрт синглиси бор, оилада ёлғиз ўғил. Ҳарбий мутахассис бўлишни болалигидан орзу қилган. Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаб, ҳарбийлик фаолиятини бошлаган. «Энг яхши ҳарбий спортчи», «Энг яхши ҳарбий альпинист» кўрик-танловларида муваффақият қозонган.

— Курсантларга инглиз тилидан сабоқ бераман, — дейди унинг турмуш ўртоғи Нафиса Турдиқулова. — Икки ўғлимиз бор. Янги уйимизда барча қулайлик муҳайё. Фарзандларимиз Чортоқ туманидаги мактаб ва болалар боғчасида таълим-тарбия олмоқда. Кўрсатилаётган ғамхўрлик бизни янада фидойи бўлишга ундайди.

Ўқув машғулотлари тугаб, тушликка сафланиш пайти курсантлар билан гурунглашдик. Ақлли, батартиб кишининг ҳаракатларида ҳам ўзгача қатъийлик зоҳир бўлади. Шартнома бўйича ҳарбий хизмат кўникмасидан сўнг мазкур мактабга синовлардан ўтиб қабул қилинган ҳарбий хизматчиларнинг сараси бўлган курсантларнинг суҳбатдаги муомаласини, келбати-ю чаққонлигини кузатиб, профессионал армиямизнинг ўзагини ҳарбий тайёргарликдан ўтган ишончли ўғлонлар ташкил этишига ишондик.

— Дунёда аскарлар ҳақида, эл-юрт осойишталиги ҳақида энг кўп ўйлайдиган оналардир, — дейди курсант Баҳром Адашев. — Оналаримизнинг хотиржамлиги учун ҳам юртимизни турли бало-қазолардан асрашга, Ватан олдидаги шарафли бурчимизни виждонан бажаришга, муносиб фарзанд бўлишга тайёрмиз...

Сержант — ҳарбий жамоа етакчиси. Ўқув даргоҳида чинакам ҳарбий мутахассислар тайёрланаётгани нафақат яратилган шароитларда, машғулотлардаги қатъий тартибда, шу билан бирга, бўлажак кичик командирларнинг фикр-мулоҳазаларида ҳам кўриниб турибди. Мактаб ўқитувчиси Хайринисо Сотболдиева айтганидек, йигитларнинг сараси аскар, аскарларнинг сараси сержант бўлади!

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



# «Тинчликка хизмат қиламиз!»

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби Урганч шаҳрининг гўзал мавзеида жойлашган. Тинч ва сўлим манзил. Бир-биридан серҳашам иморатлар кўзни қувонтиради. Бирида ўқув хоналари, бирида тренажер заллари. Ётоқхона-ю ошхонанинг саранжом-саришталигини айтмайсизми! Бу ерда фақат йигитлар яшаб, ўқишини эсласак, батартиблик янада ҳавасимизни оширади.

Сержантлар мактаби бошлиғи, вазифасини бажарувчи подполковник Азамат Шариповнинг ўқув маскани ҳақидаги сўзлари:

— Сержантлар тайёрлаш мактаби Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ташаббуси билан 2006 йил охирида ишга туширилган. Бу ерда Қуролли Кучларимизнинг барча ҳарбий қисмлари учун малакали кичик командирлар тайёрланади. Шарт-шароитимизни ўзингиз кўриб турибсиз. Замон талаблари, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган ўқув хоналаримизда ҳаётини ҳарбий соҳага бағишлаган, ҳар томонлама соғлом, билимли ва маънан етук йигитлар ўз билимини оширади, жисмонан чиниқади.

— Асли фарғонаданман, — дейди курсант Аваз Қосимов. — Пойтахтдаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчимни ўтадим. Хизмат вақтида давлатимиз раҳбарининг доимий ғамхўрлиги ва эътибори биз ҳарбийларга тенгсиз мадад эканини ҳис қилиб, ҳаётимни юрт тинчлигини сақлашдек муқаддас ишга бағишлашга аҳд қилдим. Мактабни тугатгач, ўзим хизмат қилган ҳарбий қисмга бориб, аскарларимизнинг жанговар тайёргарлигини оширишига ҳисса қўшиш ниятидаман.

Сержантлар тайёрлаш мактаби взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, лейтенант Алишер Жўраев ўтган йили Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини битириб хизматга келган. Ёш офицер қисқа фурсатда курсантлар орасида эътибор қозониб улгурди. Тартиб-интизомни яхши кўради. Курсантларни нафақат жисмоний тайёрлаш балки сиёсий билимларини ошириш, зиммадаги вазифалар мазмун-моҳиятини чуқур тушунтириш унинг хизмат бурчига айланган.

Юртимизда тинчлик ҳукмрон. Ҳар бир фуқаро ўзи севган касб-кори билан машғул. Осойишта элимизда тўйлар тўйга, байрамлар байрамга уланмоқда. Ҳар бир кунимиз кўнгилли, фаровон ўтмоқда. Бунинг учун биз ўз умрини Ватан ҳимоясига бағишлаган, туну кун постида сергак ҳарбийлардан миннатдор бўлмоғимиз керак!

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Муносиблар сараланмоқда

Пойтахтимизнинг Миробод тумани мудофаа ишлари бўлимида бўлганимизда, муддатли ҳарбий хизматга номзодлар саломатлиги текширувдан ўтказилаётган экан. Туман чақирув комиссияси катта шифокори Барно Азимовадан навбатдаги чақирув жараёнига ҳозирлик кўриш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўрадик.

— Туманимиз ёшларидан муддатли ҳарбий хизматга энг муносибларини танлаб олиш, чақирув жараёнини кўнгилдагидек ўтказиш учун барча чора-тадбирларни кўрдик, — дейди у. — Хусусан, номзодларнинг саломатлигини текшириш, тиббий кўрикни сифатли ўтказишда оилавий ва ўқув масканларидаги поликлиникалар билан ҳамкорлик катта самара бераяпти. Чунки номзодларнинг бизга мурожаат қилгунча бўлган даврдаги саломатлиги ҳақидаги маълумотлар айнан ҳудудий поликлиникаларда сақланади.

Дилмурод Адҳамов ҳам юрт мудофаасига бел боғлаган йигитлардан. У Миробод саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаган. Биз уни тиббий кўрикдан ўтаётган пайтда учратдик. Бунгача жисмоний тайёргарлик бўйича синовларни топширган Дилмурод тиббий кўрик чоғида юқори кўрсаткичга эришибди.

— Миллий армиямизга чақирилаётган фуқаролар турли танлов ва синовлар асосида саралаб олинаётганидан хабарим бор, — дейди Дилмурод Адҳамов. — Бу ҳақда мудофаа ишлари бўлимининг масъул ходимларидан керакли маълумот олганмиз. Ҳозир тиббий кўрикдан ўтган ҳамда жисмоний, интеллектуал, руҳий ва тест синовларида юқори кўрсаткичларни қайд этган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга муносиб топилади. Шу боис мен жисмоний тайёргарлик ва танловларда ҳам яхши натижага эришишга ҳаракат қиляпман.

— Бугун ёшларимизнинг кўпчилиги муддатли ҳарбий хизматга боришни, зиммасидаги конституциявий бурчини ўташни истайди, — дейди олий тоифали шифокор Шодиёр Арзиқулов. — Албатта, улардаги шижоат, ҳарбий хизматга бўлган иштиёқ таҳсинга лойиқ. Бизнинг вазифамиз эса чақирилувчиларнинг тиббий ҳолатини текширувдан ўтказиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқлигини аниқлашдир. Ишонамизки, тумандан армияга саралаб олинган ёшлар келгусида зиммаларидаги бурчларини сидқидилдан адо этиб, билдирилган ишончни оқлашади.

**Жамшид НИЁЗОВ**

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 23-мавзе, 20-уй, 65-хонадонда яшовчи фуқаро Жабборова Мухтабар Мухаммадовнага тегишли уй плани ва ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Футбол

# Ўзбекистон — Қувайт 2:1

Қатарда футбол бўйича бўлиб ўтаётган Осиё кубоги финал босқичида қатнашаётган юртимиз футболчилари биринчи бўлиб, нимчорак финал йўлланмасини нақд қилиб қўйишди.

Дастлабки турда терма жамоамиз рақибларини мағлубиятга учратгани учун бу ўйинда ҳам ғолиб чиқса, муддатидан олдин кейинги босқич йўлланмасини нақд қиларди. Қувайтликлар эса биринчи ўйинда ютқазгани учун бу учрашувни ҳам бой берса, кейинги босқичдан умидини узарди. Шу боис учрашув кутилгандек, муросасиз курашлар остида ўтди. Лекин ғалаба иштиёқида майдонга тушган футболчиларимиз яна зафар қучишди — 2:1. Тўпларни юртдошларимиздан Максим Шацких ва Сервер Жепаров киритди.

Шунингдек, кеча «А» гуруҳининг иккинчи ўйини ҳам бўлиб ўтди.



# Месси — «Олтин тўп» соҳиби

**Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)нинг Цюрихда бўлиб ўтган йиғилишида 2010 йилнинг энг яхши футболчиси ва мураббийи эълон қилинди.**

Сўровда 600 нафардан ортиқ мураббий, етакчи футболчи ва спорт журналистлари иштирок этишди. Якунда Аргентина терма жамоаси ва «Барселона» футбол клуби ўйинчиси Лионел Месси ўтган мавсумдаги жаҳоннинг энг яхши футболчиси деб топилди. Унга тантанали равишда «Олтин тўп» соврини топширилди.

«Жаҳоннинг энг яхши мураббийи» номига Мадриднинг «Реал» клуби бош мураббийи Жозе Моуриньо муносиб кўрилди. Шунингдек, ФИФА бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолибларни тақдирлади.

Семинар-тренинг

# Катта ҳаёт бўсағаси

Ўтган йили «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Шу Қонун моддаларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида пойтахтимизда семинар-тренинглар ўтказилди. Тадбирларда Ички ишлар вазирлиги идоралари ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли санъаткор ва спортчилар иштирок этишди.

Мана шундай тадбирлардан бири куни кеча Учтепа туманидаги 116-умумтаълим мактаби ҳамда Республика дизайн коллежида бўлиб ўтди. Уларга тумандаги мактаб ва коллежлардан ўқувчилар таклиф этилди.

**Холмурод МОҲИРОВ, Оқтепа қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежи талабаси:**

— Тадбирни бу тарзда қизиқарли ўтади, деб ўйламаган эдим. Санъаткорларимизнинг ибратли ривоятлар айтиб бергани бир умр ёдимда қолади. Хонандаларнинг куй-қўшиқлари кайфиятимизни кўтариб юборди. Тенгдошларим ўртасида ўтказилган мусобақаларда спортнинг шашка тури бўйича иштирок этдим. Мусобақаларнинг якуний натижаларига кўра, биз қимматбаҳо совғалар билан тақдирландик.

Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ташкил қилинган семинар-тренингда олий таълим муассасаларидан жалб этилган малакали психологлар иштирок этди. «Замонавий ўқувчи қиёфаси», «Ким бўлсам экан?» мавзуидаги суҳбат сўнггида ғаразли диний гуруҳлар кирдикорларини фош этувчи ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Тадбир цирк усталари, эстрада юлдузларининг чиқишлари билан якунланди.

**(Ўз мухбиримиз)**







MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 149
19432 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 22.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5